

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOYIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 30-OCTYABR ■ SHANBA ■ 129 (27.304) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.



ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

инсонпарварлик ва демократия ғояларини, инсон ҳуқуқларини, меҳнат аҳли ва аҳолининг ижтимоий ночор табақалари манфаатларини ҳимоя қилишни ўз фаолиятининг асосий йўналишлари деб билади

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганининг 13 йиллиги муносабати билан партиянинг барча аъзолари, дўстлари ва тарафдорларини самимий табриклаймиз.

Маълумки, юртимиз катта сиёсий тадбир — Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар арафасида турибди. Бу жараён ҳаммамиздан янада фаоллиكنи талаб қилади. Сайловларда Сизларнинг савий-ҳаракатларингиз билан партияимизнинг обрўси янада ошишга ишонамиз.

Оилангизга тинчлик, хонадонингизга қут-баракат тилаймиз!
Ўзбекистон ХДП МК
Сиёсий ижроия кўмитаси

1 ноябрь — Ўзбекистон ХДП ташкил этилган кун

УЛАРНИНГ НОМЛАРИ «ЭҲТИРОМ КИТОБИ»ГА КИРИТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия кўмитасининг қарорига мувофиқ, партия ташкил топганининг 13 йиллиги муносабати билан куйидаги партия фаолларининг номлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Эҳтиром китоби»га киритилди:

- Аббаров Рустам** — Тошкент тумани ҳокимлиги ижтимоий-таъминот бўлими бошлиғи, Тошкент вилояти;
- Бозорбоев Урмонжон** — Шахрисабз туманидаги А.Саримсоқов номи ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати, Андижон вилояти;
- Бойқулов Мамарайим** — Шеробод тумани ҳокимлиги Халқ таълими бўлими мудири, Сурхондарё вилояти;
- Жалилов Абдукарим** — «Нуроний» жамғармасининг Наманган туман бўлими раиси, Наманган вилояти;
- Жўраева Саида** — Ўзбекистон ХДП Бухоро туман кенгаши биринчи котиби, Бухоро вилояти;
- Каримов Саидмурод** — Ўзбекистон ХДП Янгиер шаҳар кенгаши биринчи котиби, Сирдарё вилояти;
- Махмудов Умматалли** — Ўзбекистон ХДП Тошлоқ туман кенгаши биринчи котиби, Фарғона вилояти;
- Мейлиев Шамсутдин** — Ўзбекистон ХДП Хатирчи туман кенгаши бўлими мудири, Навоий вилояти;
- Мелкумов Александр** — «Совластитал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси бош директори, Олий Мажлис депутати, Тошкент шаҳри;
- Номозов Ҳаким** — Ўзбекистон ХДП Мирзачўл туман кенгаши биринчи котиби, Жиззах вилояти;
- Нурманов Саидбай** — Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши биринчи котиби, Қорақалпоғистон Республикаси;
- Саҳатов Тошпўлат** — Қашқадарё вилояти «Оби-ҳаёт» масъулияти чекланган жамият директори;
- Шомирзаев Бурхон** — Меҳнат фахрийси, Ўзбекистон ХДП фаоли, Самарқанд вилояти;
- Юнусов Азиз** — Меҳнат фахрийси, Ўзбекистон ХДП фаоли, Самарқанд вилояти;
- Уринов Болтабой** — Меҳнат фахрийси, Ўзбекистон ХДП фаоли, Хоразм вилояти;
- Қурбонов Собир** — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бош маслаҳатчиси;
- Ғойипов Бозорбой** — Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши иккинчи котиби, Ўзбекистон ХДП нишон муаллифи, Тошкент шаҳри.

Шунингдек, партия фаолларидан бир гуруҳи Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши фахрий ёриқлари билан муқофотландилар.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

ШАҲРИСАБЗДА КУРАШ БАЙРАМИ



Бугун қадим Кеш яна улуг воқеаларнинг гувоҳи бўлиб турибди. Президент соврини учун кураш бўйича Амир Темур хотирасига бағишланган IV-халқаро турнир, ёшлар ўртасида III жаҳон чемпионати ва илк бор белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилмоқда.

Улуг дарёлар юсак тоғлардан бошланади, деган нақл бежиз эмас. Ҳисор тизма тоғлари кўгондек ўраб олган Шахрисабзда илк бор Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир 1992 йил ташкил этилган. 1996 ва 2000 йилларда ўтказилган халқаро турнирлар ҳам кураш усулларини санъат даражасига кўтарган ажойиб пахлавонларни аниқлаб берди.

Меҳмонларни қутиб, мусобақаларга ҳозирлик намуна олиб борилди. Мусобақаларда катнашиш учун 50 га яқин давлатдан полвонлар, меҳмонлар ташриф буюришган.

Халқаро турнир ғолиби 10 минг АҚШ доллари қилиб белгиланган бош совринни кўлга киритади, — дейди Ўзбекистон Миллий кураш федерацияси ҳакамлар ҳайъати раиси Олимжон Хайитов. — Иккинчи ўринни эгаллаган — 1500, учинчи ўрин соҳиби — 500 доллар билан муқофотланади. Ёшлар ўртасидаги III жаҳон чемпионатида ўғил болалар 60,66,73,81 ва мутлак вазн тоифасида, қизлар эса 48,52,57 ва мутлак вазн

тоифасида гиламга чиқишади. Хориждан 16 нафар ҳакам тақлиф қилинган. Республикаимиздан эса иккита жамоа катнашади. Белбоғли кураш ҳам бобо-таъмирнинг қадим санъати. Мустақиллик туғайли бу кураш турига эътибор кучайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам илк бор белбоғли кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказилаёти.

— Мен ўзбек курашига меҳр кўйдим, — дейди Афғонистондан келган полвон Муродий Шермуҳаммад. — Ўта жозибали бу спорт тури мардлик, ҳаллоқлика ўргатади. Айни пайтда мамлакатимизда ўзбек курашининг ихлосмандлари кўпайиб бормоқда. Спорт — тинчлик элчисидир.

— Кураш тушиш учун фақат усул ўрганиш кифоя эмас, — дейди наманганлик спортчи Камолддин Бувамирзаев. — Танни чинқотириш билан бирга, руҳ баланд бўлиши керак. Юрт шарафи, хамюртларинг ишончини оқлаш учун майдонга тушсанг, кунингга куч қўйишлари...

Шахрисабзда ҳозир ўсмирлар кураш мактаби фаолият кўрсатапти. Ўнлаб коллежларда

спорт заллари қурилмоқда. Бирок халқаро мусобақаларни ўтказадиган алоҳида ўйингоҳ йўқ эди. Шунинг учун ҳам «Ҳисор» ўйингоҳи тўлиқ қайта таъмирланди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Бердиевнинг айтишича, барча ишларга 200 миллион сўмдан ошмиқ маблағ сарфланди. Ҳомийлар, ҳашарчилар астойдил меҳнат қилишди.

«Хар кунни ўйингоҳга келаман, — дейди кекса полвонлардан Рустам ака. — Биз тўйларда курашардик, бундай катта мусобақаларни фақат орзу қилганмиз. Бу ҳам асли тўй-да, ўз курашимизнинг катта тўйи». У киши рости айтди. Дунёда курашимиздан чиройли байрам, томоша йўқ. Мардлар олишсин, ҳалол бел ушлашсин. Полвонларга омад тилаймиз!

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: бир қатор давлатлардан келган меҳмонларни аэропортда тантанали кутиб олиш пайти.

М. АМИН (ЎЗА) олган суратлар

ХДП ҳаётидан

ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг II пленуми бўлиб ўтди. Унда кенгаш биринчи котиби Атаулла Асанов «Партия ташкилотларининг сайлов кампаниясидаги иштирокининг бориши ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раисининг ўринбосари

ликка номзодлар кўрсатиш ҳақида» маъруза қилди.

Пленумда Жўқорги Кенгесга сайлов ўтказуви 86 округдан 86 номзод тасвир этилди.

Пленум ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раисининг ўринбосари

Р.Фажапов сўзга чиқди.

Пленумдан сўнг туман ва шаҳар кенгашлари котиблари иштирокида сайлов кампаниясининг боришига бағишланган семинар ўтказилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига

ХДПдан номзод кўрсатишга бағишланган пленумлар барча туман ва шаҳар партия кенгашларида бўлиб ўтди.

Алписбой ИБДУЛЛАЕВ, ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши котиби

САЙЛОВ ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида шу йил 26 декабрда мамлакатимиз парламентига ва маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловга тайёргарлик жараёни ва унда ёшларнинг фаол иштирокига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжумани университет ректори Р.Ашуров бошқарди. Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев сайлов қончилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, бу галги сайловнинг аввалгиларидан фарқи жиҳатлари, икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятлари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сайловларда ёшларнинг ўрнига оид масалалар хусусида сўзлади. Зеро, мамлакатимизда овоз бериш ҳуқуқига эга 3 миллиондан зиёд йигит-қиз бор.

Талабалар сайловга тайёргарлик кўриш, уни оммавий ахборот воситаларида ёритиш, ташкилий-ҳуқуқий масалалар, шунингдек, халқаро сайлов стандартлари ва тажрибаларига оид ва бошқа кўплаб саволларга батафсил жавоб олдилар.

Бехзод НОРБОВ, ЎЗА мухбири



ПАРЛАМЕНТНИНГ КУЧ-ҚУВВАТИ, САЛОҲИЯТИ ЭРТАГА КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИГА, КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИ ЭСА ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА АНГЛАШИМИЗГА БОҒЛИК

ЎзХДП сайловолди платформасига тақлифлар

ҲАЁТ ТЎХТАБ ТУРМАЙДИ

Қонунлар ҳам! Замонлар ўзгариши билан улар ҳам ўзгариб, тақомиллашиб бораверади

Шу кунларда мамлакатимизда бўладиган сайловга ҳозирлик жараёни кўриш кечмоқда. Оммавий-ахборот воситаларида сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари муҳокамалари бахсларга, дебатларга сазовор бўлмоқда. Дарвоқе, уларнинг бу галги дастурлари, энг аввало олдинги сайловолди дастурларидан мутлақо фарқли ўлароқ, ўзлари уйдасидан чиқа оладиган, мавжуд муаммоларни реал ҳал этилишига аниқ ҳисса қўша оладиган, сайловчиларни ортларидан эргаштириб кета оладиган дастурлар бўлиши керак.

Йўқса, одамлар партияларнинг ҳеч бирига ишонмаслиги, уларнинг чиқишлари, ваъдалари, шорлари ва платформаларига шубҳа билан ёхуд иккиланиб қарашли, табиий.

Шу ўринда айтишим жоиз, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг наشري — «Ўзбекистон овози» газетаси саҳифаларида чоп этилаётган сайловолди материалларини, ТВ кўрсатувларидаги партия вакиллари чиқишларини муфассал кўзатиб бораёман. Ва баъзан ўйлаб қоламан: ЎзХДП ўзининг чинакам халқ партияси эканлигига сайловолди жараёнларида фуқароларни ишонтира олармикан?

Бундоқ қараганда, у — мавжуд беш сиёсий партия орасида энг кўп сонли, энг тажрибали

бўлиб, ўн уч йилдириқ, етакчилик мавқени қўлдан бермай келаяпти. Умид қиламизки, олдинги сайловлардан мутлақ фарқ қилувчи, мазмун-моҳияти ва мақсаду матлаби жиҳатдан бутунлай янги — бу галги сайлов тизимида ҳам ХДПнинг қўли баланд келади. Унинг дастурида мамлакатни обод қилиш ва ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши учун унга имкон, шарт-шароит яратишдек мақсадлар сари амалий савий-ҳаракатларни ҳозирча илгангандек, кўргандек, сезгандек бўлаяман.

Аммо булар ҳали бошланғич савий-ҳаракатлар, холос. Фуқароларни уларнинг ҳўкрет натижалари қизиқтиради. Демократиклик, ХДП ҳар бир фуқаронинг оғирини енгил, мушкулларни осон қилиб, муаммосига ечим топиб, ҳуқуқини қонуний ҳўкрет қилиш ва қадрини ўрнига қўйиш йўллари хали кўп излашни керак бўлади. Мана, масалан, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётини келиб чиқиб, кўплаб қонунлар яратилмоқда, қонуности ҳўжатлари қабул қилинмоқда, қарорлар чиқаяпти, низомлар ишланаёпти ва ҳўкро.

Лекин, баъзан уларнинг кўпчилиги амалда бажарилмаётганидан ҳам кўз юмолмаймизда, ахир. Шу нуқтан-назардан ХДП дастурлари ва унинг сайловолди ҳўжатларида ана шундай қонунлар, қонуности ҳўжат-

лари, қарорлар ҳамда ички низомларнинг ихросини (фуқаролар манфаати кўзланган ҳолда) таъминлайдиган тизим назорати ҳақида ҳам аниқ, асосли, ишонарли фикрлар айтилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу фикрлар бошқа сиёсий партияларга ҳам тегишли деб ўйлайман, албатта!

Чунки, биласиз, қонунлар қотиб қолган нарса (доғма) эмас, Тарахўёт мавжуд экан у ўзгариб туриши, тақомил топиб бориши, табиий. Дейлик, Ўзбекистонда икки фуқаролик йўқ. Зеро, у имон ва эътиқодга, киндик қони тўқилган тупроққа меҳр туйғуси билан боғлиқ. Бирок, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик тўғрисидаги Қонунда (у бундан 12 йил муқаддам қабул қилинган!) баъзи моддалар назаримда эндиликда қайта тақомилга етказилиши керакдек туюлмоқда.

Бир ҳолатга эътибор қилинг. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддаси: «Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда ягона фуқаролик ўрнатилди» деб бошланади. Аммо, иш тажрибамнинг айрим ҳолларида дуч келаямманки, Бош Қўмисимиз маъмур моддаси Фуқаролик қонун амалиётининг баъзи жараёнларида (қандайдир вазиятларда) ўз ихросини томаётири.

2-бет

ТАРОЗИДА ТОШ БОСГАН МИНГ-МИНГ ТОННАЛАР

республикаимиз пахта хирмони салмоғини 3 миллион 600 минг тонналик юксак марра сари тобора яқинлаштирмоқда

ТЕЛЕФАКС ХАБАРИ: «Тўрткўлилар зафар кўчи. Мавжуд 11500 гектар пахта майдонлари ҳосилдорлиги гектар бошига 23,5 центнердан ошди. Эл хирмонига 27,5 минг тоннадан ортиқ хомашё тўкилди. Кутилаётган 7 миллиард сўмлик даромаднинг 2,5 миллиарди соф фойда. Мавсум иштирокидаги дала бошида иш ҳақи сифатида тарқатилган маблағнинг ўзиёқ 1 миллиард сўмни ташкил этди...

Аҳмет ИБРАГИМОВ, Тўрткўл тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси депутати.

КўНФИРОҚЛАР: ...Ғиждувонлик пахтакорлар давлатга 37000 тонна юқори навли пахта сотиб, йиллик режаларини адо этишди. Файзулла Ҳўжаев номи, «Гулистон», Ҳамид Олимжон номи, Ибн

Сино номи қатор ширкат хўжаликлари мавсум пешқадамлари бўлишди...

Жондор тумани меҳнат аҳли вилоят хирмонига муносиб улуш қўйди: Мавжуд 17142 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил йиғиб олган зарҳўнослар давлат қабул пунктларига 47,5 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Бунинг 92 фоизи биринчи навага сотилди...

ТЕЛЕГРАММАЛАР: Чўст тумани сўнгги 9 йил мобайнида илк бор маррага етди. 21,5 минг тонна хомашёнинг 80 фоизи биринчи навага қабул қилинди. Хар гектар майдон ҳосилдорлиги олдинги йилларга нисбатан 5 центнер кўп бўлди. Олинган 6 миллиард сўм даромаднинг 2 миллиард сўмга яқини соф фойда...
Уйчиликлар ҳам Наманганда



пешқадамлар сафида галаба рапортига низо чекдилар. Хирмонга 25,175 тонна пахта тўкилди. Ҳосилдорлик даражаси ўтган йилга нисбатан гектар бошига 5 центнерга кўтарилди.

Бир сўз билан айтганда, кенг пайқаллардан мисқолаб териб олинаётган минг-лаб тонна хомашёимиз тарозиде залвор билан тош босиб, кечаги кунга қадар республикамиз улкан пахта хирмони салмоғини 3 миллион 400 минг тоннадан ошишини таъминлади. Демак, кўзланган мўлжалга яна кўли билан 200 минг тонна қолди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
XALQ BANKI

TOSHKENT SHAHAR MUNICIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmv.uz E-mail: info@tshbmv.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча бошланғич ташкилотлари, туман, шаҳар ва вилоят кенгашларида бу йил ҳисобот сайлов йиғилишлари, конференциялари ўтказилди. Ушбу йиғинлардан қандай хулосалар келиб чиқди?

— Сиёсий партия учун ўтган даврга қайта назар солиш, ундан етарли сабаб чикариш унинг асосий йўналишларини белгилаб олиш учун муҳим ҳисобланади.

рилли.

Партия халқнинг қўллаб-қувватлашдан манфаатдор экан, унинг муаммоларини камайтиришни асосий йўналиш қилиб олиши табиий.

— Халқ демократик партиясининг ўтган сайловлардан кейинги даврда қандай парламентчилик фаолияти ҳақида тўхталсангиз.

— 1999 йил декабрида бўлиб ўтган сайлов натижасига кўра, биз Олий Мажлисда 49 та депутатлик ўрнига

нафар депутати бор. Улар 194 та депутатлик гуруҳига бирлашган. Уларнинг фаолияти маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий дастурлар ва қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда рўйбга чиқаришда иштирок этиш йўналишида олиб борилди. ХДП депутатлари партия маҳаллий кенгашлари ҳузурида тузилган депутат қабулхоналарида ўз сайловчилари билан фаол мулоқот қилдилар. Битта миллион Факатгина 2003 йилда партиядан

ламент жами аъзоларининг ярмидан озини ташкил этди. Олий Мажлисдан кўпчилик ўринни давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан сайланган депутатлар эгалладилар. Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай вазиятда сиёсий партиялар сайловолди дастурларини ва дастурий ҳужжатларини тўлақонли амалга ошири олмайдилар. Натижада аҳоли уларни ваъдабозликда айблаётди, сиёсий партияларга нисбатан ишончи камаяди.

Эндиги сайловда кураш асосан партиялар ичида кечилиши сиёсий партияларни фаолаштириб юборди. Бундан ташқари, сиёсий партияни молиялаштириш масаласи ҳам уларга анча-мунча имкониятлар яратиши мумкин. Шу билан бирга сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш учун қуйидаги тақлифларимизни айтишимиз мумкин:

Парламентда партияларнинг олган ўринларига қараб, уларнинг мақоми белгилаш (50%дан кўп ўрин олган партия ёки партиялар блоки **етақчи партия** бўлиб, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самардорлиги учун масъулиятни зиммасига олиш, кам ўрин эгаллаган партияларнинг уларга **муҳолифат** бўлиши ва келажакда бунинг қонуний асослари яратилиши керак.

Туман, шаҳар ва вилоятлар даражасида ҳокимиятлар бўлиниши таъминлиги амал қилинишига эришиш ҳам муҳим масаладир. Ўшн, ижроия ҳокимият ва вақиллик ҳокимияти алоҳида бўлиши лозимлигини ҳозирги шароит кўрсатиб турибди. Шунда улар бир-бирини тўлдирадиган, назорат қиладиган бўлади. Бундан сиёсий партиялар ҳам, жамият ҳам ютади.

Сўхбатдош:
Акбар ЖОНУЗОҚОВ

ВАРШАВАДА «ХОТИРА КИТОБИ» ЧОП ЭТИЛДИ

Варшавада Польша президенти канцелярияси ва давлат архиви ҳамкорлигида ташкил этилган «1919-1952 йилларда Ўзбекистондаги поляклар тақдири» мавзусида илмий аҳжуман ва кўргазма бўлиб ўтди. Унинг иштирокчиларини сейм маршали Ю.Олекса ва Польша президенти канцелярияси директори И.Шиманек-Дерек қутладилар.

Польша давлат архивлари директори Д.Налэнч ва қатон қилинган полякларнинг қариндошлари Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовга архив материалларини

Польша томонига берилганлиги учун миннатдорлик изҳор қилишди.

Д.Налэнч қатон қилинган поляк фуқароларининг кейинги тақдири ҳақида Ўзбекистон ҳукумати ёрдамида муҳим тарихий ҳужжатлар олинганини эътироф этди. У Польша ҳукумати ҳам Иккинчи жаҳон уруши йиллари мамлакат ҳудудида ҳалок бўлган ўзбек фуқароларининг тақдири ҳақида архив ҳужжатларини қидириб топиш, уларни Ўзбекистонга бериш масаласига жиддий ва катта эътибор билан муносабатда бўлаётганини

айтди.

Анжуман иштирокчилари қатон қилинган полякларнинг ҳужжатлари, шахсий буюмлари, фотосуратлари билан танишдилар. Уларга «1919-1952 йилларда Ўзбекистондаги полякларнинг тақдири» китоби совға қилинди. Ушбу наشرга кириш сўзи ёзган Польша президенти А.Квасьневский Ўзбекистон томонидан архив материалларини берилишига юқори баҳо берган ва улар тарихий ҳақиқатни тиклашда катта аҳамиятга эгалигини қайд этган.

«Жаҳон» АА

ҲИСОБОТЛАР ВА ХУЛОСАЛАР

1 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 13 ЙИЛ ТўЛАДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИГА ОИД БАЪЗИ МАСАЛАЛАР ХУСУСИДА ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ КОТИБИ СОБИР УСМОНОВГА МУРОЖААТ ҚИЛДИК

14 мингга яқин бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган йиғилишлар ҳамда конференциялардан шу нарсани аниқлашдики, фуқаролар ўз муаммоларига сиёсий партияларнинг ақибдорлиги келишига иштароқда. Илгари бундай йиғинларда партиянинг ички партиявий ишлари муҳима қилинган бўлса, энди аҳолининг ташвишлантираётган муаммолари ҳақида кўпроқ тўхталашга тўғри келди. Улар қандай муаммолар эди? Аҳолини ташвишлантираётган масалалар асосан иш ҳақи, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида берилишидаги узилтишлар, янги иш жойларини яратиш, аҳолига уй-жой қозониш, транспорт, тиббий хизмат кўрсатишдаги муаммолар ҳисобланади. Ушбу масалаларга оид фикр ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, уларнинг ечимлари тўғрисидаги фикрлар билан бирга маҳаллий вақиллик ва ижроия ҳокимияти органларига бе-

эга бўлди. ХДПдан сайланган қатор депутатлар парламентнинг қўмита ва комиссиялари раҳбарлари сифатида фаолият олиб бордилар. Утган йиллар орасида ЎзХДП 100 га яқин қонунлар лойиҳаси юзасидан 700 дан ортиқ тақлифларини Олий Мажлисининг тегишли тузилмаларига тақдим этди. Улар орасида хусусий қорхона, жамоат фондлари, фуқаролар муносабатлари, давлат бюджети тўғрисида ва кўпгина қонун лойиҳалари бор. Кириштирилган тақлифларнинг асосий қисми қонунлар лойиҳасини мезъорига етказиш ва уларни қабул қилишда инobatга олингани бизни қувонтиради.

Қолаверса, партиянинг парламентчилик фаолияти фақат парламент фракцияси ишлари билан чегараланмади. Зеро, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларида партиянинг 2257 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгашида 20

сайланган депутатлар томонидан 49 мингдан кўпроқ фуқаро қабул қилиниб, уларнинг 45 мингга яқин шикоят ва муносабатлари кўриб чиқилди. Шундан 34 мингнинг ижобий ҳал этилишида депутатларимизнинг хиссалари борлигидан хурсандимиз.

— **Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига бўлиб ўтadиган сайловда асосан сиёсий партияларнинг иштирок этиши сиёсий партиялар фаолиятини жонлантириш табиий. Сиз партиялар фаолиятини ривожлантириш учун яна нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Тўғри таъкидладигиз, Қонунчилик палатаси депутатлиги учун асосан сиёсий партиялар курашиши керак. Сайловда давлат ҳокимияти органлари вақиллари иштирок этишмайди. Вақолани, ўтган сайловда барча сиёсий партияларнинг Олий Мажлисдаги депутатларининг умумий сони пар-

ЎзХДП сайловолди платформасига тақлифлар

ҲАЁТ ТўХТАБ ТУРМАЙДИ

(Дявоми. Боши 1-бетда.)

Фикримни ойдинлаштириш: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик тўғрисидаги қонунининг 10-моддасида «Ўзга давлат фуқаролигини қабул қилиб, айна пайтда қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқмаган шахнинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди» дейилган.

Демак, айна чоғда бундай шахслар табиийки, икки фуқаролик ҳолатида турган бўладилар, яъни қўлларидан фуқаролигини қабул қилган ўзга давлатнинг ҳам паспорти, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг ҳам паспорти. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик тўғрисидаги Қонунда ўзга давлат фуқаролигини қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тугатилишига асос бўлади, деган мазмундаги тушунча ёки банд йўқ.

Бундан фойдаланган айрим давлатлар (улар орасида қўшнларимиз ҳам бор) ўз миллатига мансуб фуқароларга мамлакатимиз фуқаролигидан расман (расмий) чиқмаган бўлса-да, бемалол ўз фу-

қаролигини беришапти. Кейин эса улар Ўзбекистон фуқаролиги тўғрисидаги паспортларини гуё оддий бир ҳолдек юртимизга шунчаки қайтариб юбора қолишапти.

Бизнинг амалдаги қонунчилигимизга кўра эса фуқаролар ўзга давлат фуқаролигини қабул қилишлари олдиндан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расмий тарзда ўз аризалари билан муносабат этишлари ва давлат раҳбарининг рухсати — фармойиши чиқиши керак бўлади. Фармойиш чиқмагунча уларнинг фуқаролик ҳолати тугатилмайди.

Табиийки, фуқаролик ҳолати тугатилмаган фуқароларнинг ўзга давлатлардан қайтариб юборилган паспортлари бекор қилинмай, архивларда сақланиб тураверади. Пировадда, уларнинг икки фуқаролиги амалда сақлаб қолинаётган бўлади. Бу ерда Конституциямизнинг юқорида эслатилган ягона фуқаролик тўғрисидаги 21-моддаси ўз-ўзидан бузилаётганлигига гувоҳ бўласиз. Ҳолбуки, Фуқаролик тўғрисидаги қонунимизга «Ўзбекистон Республикаси фуқароси бошқа давлат фуқаролигини қабул

қилса ёки қабул қилганлиги аниқланса, у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотди» деган тарздаги қўшимча киритилиши давр талаби бўлиб турибди. Зеро, замоналар ўзгариши билан қонунлар ҳам ўзгариб, такомиллашиб бориши — ҳаёт қонуниятли У — қотиб қолган догма эмас...

Булар албатта менинг шахсий фикрларим. Эҳтимол, қилин қирқ ёрвчи мутахассислар, қонунчилик мутасаддилари ҳам ўз фикрларини айтган. Лекин, айна ҳозир айтмоқчи бўлган гапим — сиёсий партияларнинг, хусусан, ХДПнинг сайловолди дастурида амалдаги қонунларимизнинг аниқ ихроси ва тақомили, уларнинг Конституциямизга мосдарилигига қатъий эътибор ва ҳослиги ҳақидаги масалалар ҳам ўрин олма ва сайловдан кейин улар унутилиб кетмас, ечим, ижроси албатта назоратга олинса нур устига аъло нур бўларди.

Раъшан САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хорижага чиқиш-кириш ва фуқаролик бошқармаси назир

Дуққам, сайлов яқин

БИЗГА ҚАНДАЙ ДЕПУТАТ КЕРАК?

ЁКИ ЯҚИНДА БўЛАДИГАН САЙЛОВЛАРДА СИЗ КИМЛАРНИ ДЕПУТАТ ЭТИБ САЙЛАМОҚЧИСИЗ?

Пахтакор тумани марказидаги «Тошкент» маҳалласида 4300 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шундан 2700 нафарга яқини сайловчилардир. Сайловолди тайёргарлик ишлари қизин кетаётган шу кунларда биз шу маҳаллада бўлиб, ўнлаб сайловчиларга юқоридаги савол билан юзландик. Табиийки, турли ёш ва турлича касб-кордаги фуқароларнинг — сайловчиларнинг жавоблари ҳам ҳар хил бўлди.

Кўтбиниса БОТИРАЛИЕВА, 54 ёш, маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар бўйича маслаҳатчиси:

— Илгари ҳам сайловларда қатнашганман. Яхши депутатларни ҳам, гапга уста-ю амалда ҳеч иш қилмайдиганларини ҳам кўрдим. Нима бўлганда ҳам сайловда сайловчиларни фаолроқ бўлишига, дуч келгани эмас, халқпарвар, одамларнинг, айниқса қишлоқда яшаётганларнинг дарду қувончларини яхши биладиган кишиларни депутатликка сайлашни маслаҳат берадим.

Беҳзод МАМАТОВ, 23 ёш, тадбиркор:

— Тўғриси айтсам, битта менинг хоҳиш-истагим нимадир хал қиларди? Кўпчилик кимни сайласа, ушанга овоз бераман. Бошқаларга маъқул тушган номзод менга ҳам маъқул бўлади.

Нафиса МАМАДАЛИЕВА, 33 ёш, ўқитувчи:

— Бу гапга сайлов олдингиларидан бошқача бўлади, деб эшитгандим. Аммо, қандай бўлиши ҳақида бир нарсани деймайман. Шахсан ўзим кимни, қандай кишиларни депутатликка сайлашни тўғрисида шунини айтишим мумкин-

жавоб бериш қийин, албатта. Лекин шуниси аниқки, икки палатали парламент шароитида депутатларга бўлган талаб, улар ҳақидаги мезонлар ҳам ўзгариши табиий. Хусусан, Қонунчилик палатасига биз сайлаган депутатлар энди олдинги депутатлар сингари турли жойларда, ҳар хил лавозимларда ишламайди. Улар бевосита қонунлар яратиш билан шуғулланади. Бинобарин, биз сайлайдиган депутатлар шу ишга ўқуви бор, шунга лаёқатли кишилар бўлишлари шарт. Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлайдиган депутатларнинг эса бевосита юқори палата — Сенатга сайланиши имкониятига эга бўладиларки, бу ҳам уларда нисбатан талабнинг ҳар қачонгидан ўн чандон, юз чандон ошганлигини аниқлатади.

Одатда депутатликка номзод муайян округдан кўйилади. Бундай шароитда ўша округ аҳолиси, хусусан сайловчилар номзодларини обдон ўрганиб, кимлигини, қандай инсонлигини билиб, мабодо, депутат этиб сайланган бўлса, нималарга қодирлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина уни ёқлаб овоз беришлари лозим. «Мени сайланг, мени сайланг, ундок қиладурман, бундок қиладурман» қабилидаги ёлғон ваъдалару ҳавоий гапларга уммаслиқнинг ҳам аҳамияти катта. Бу ўринда битта менинг қарорим ёки овозим қўллаб сайловчиларнинг

овозлари ичида йўқолиб кетади, деб эмас, аксинча, айнан кимнинг депутат этиб сайланишини менинг қарорим, мен сингари ўнлаб, юзлаб, минглаб сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси ҳал қилади, деган тушунча билан ҳаракат қилиш тўғри бўлмасмикин?

Сайлов аслида бир имтиҳон. Бугун сайловчилар ҳам, депутатликка номзодлар ҳам жиддий синов арафасида туришибди. Бу имтиҳондан кимнинг қандай ўтиши аввало ҳар биримизнинг фуқаро сифатидаги фаоллигимизга боғлиқ. Қолаверса, бу синовда сайловчи танаҳш ҳуқуқи берилган. Шундай ҳолда, сайловгача номзодларни алоҳида-алоҳида ўрганиб, муносиблар орасидан муносибларини танаҳш, шундай кишиларга овоз беришга катта маънавият қозонилади. Ватан, халқ манфаатларига хизмат қилган бўламиз.

Сайлаш, сайланиш ҳуқуқи, сайловчиларнинг маънавий қиёфаси, унинг бурчи, деган тушунчалар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Чунки, демократик жаранлар кечаётган жамиятда яшаётганимиз. Бинобарин, мустақил қарашларимиз, ўз сўзимиз, эътиқод ва эътирозларимиз ҳам бўлиши табиий. Биз уларни ошқора ифода қилишга ҳақликим. Ўзимизни ўзимиз алдашдан воз кечиб, оқни оқ, қорани қора деб атайдиган, ҳар бир масалада, жумладан, сайлаш ва сайланишда ҳам қатъий сўзи-

миз, мустақил фикримизни айтмайдиган замон келди. Ахир сайлов кунини ҳар биримиз ў ёки бу номзодни ёқлаб овоз берар эканмиз, бу билан ишончимизнинг, эътиқодимизнинг, орзу-умидларимизнинг бир бўлагини ҳам унга ишониб топширган, вақиллигимизга вақолат, имконият, шароит яратиб берган бўлмаймикин? Шундай умид ва ишонч билан сайланган депутатимиз эртага ишончимизни оқлама, умидларимизни пучга чиқарса, ваъдаларини унутса, қандай яшаётганини, нима билан нафас олаётганини, нималардан хурсанд бўлиб, нималардан ранжиётганини билан қизиқмас, бу ҳолни кечириш, оқлаш мумкинми?

Бугун сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар, сайлов округлари ва участкалари, мутасадди ташкилотлари, мутасадди катта масъулият юклаган. Улар жойларда сайловолди тадбиркор-тарғибот ишларини кучайтиришлари, номзодлар билан учрашувларини ташкил қилишлари, сайловнинг бир лаҳзалик иш эмас, балки муҳим сиёсий масвум, халқ ва давлат аҳамиятига моллик масала эканлигини тушутиришлари лозим бўлади.

Сайловга санокли кунлар қолаётган ҳозирги шароитда бунинг жуда муҳим бағоят зарурлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

деярли уйларида ёки истиқомат жойларида бўлади. Зеро, сайлов участкалари ҳам уларнинг доимий яшаш жойлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилган.

Қолаверса, давлат ҳокимиятининг вақиллик органлари — Олий Мажлис палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вақиллик органларининг вақолат мударралари ҳам назарда тутилган. Масалан, давлат бошлиғи — Президентга сайлов бўладиган вақт Конституциявий қонун талабига кўра, вақиллик органларига бўладиган сайлов даврига тўғри келишининг олди олинган.

Қисқа қилиб айтганда, сайлов ўтказиш мударраларининг аниқ белгиланиши демократик жаранлар улуғлигини таъминлайди, халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини янада кенгайтиради. Пировадда, Сайловлар натижасига боғлиқ оруз истакларимизни рўёбга чиқишига амалий ёрдам беради.

(Жавобни тайёрлашда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» (Ҳуқуқий маърифат тарғибот Маркази кичик матбаа қорхонаси, Тошкент, 2002 йил) номили рисола матнаридан фойдаланилди.)

Сайловлар тўғрисида саволнингиз борми?

НЕГА АЙНАН УЧИНЧИ ЎН КУНЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЯКШАНБАСИ?

«Сайловни ўтказиш муддати нега айнан йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлиги биринчи яқшанбадан деб белгиланган? Муддат белгиланаётганда қайси тартибдаги жижатлар, сабаблар ёки асослар алоҳида инobatга олинмади?»

Суннатулла НАРЗУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Митан қишлоғи, ўқитувчи

— Мавжуд Конституциявий қонунга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов бундан буён уларнинг Конституциявий вақолат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида ўтказилиши белгиланган. Учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбаси: 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27 рақамли саналарга тўғри келиши мумкин. Демак, сайловлар янги йил кунини келишидан камида 4 кун олдин ўтказилади.

Бундай муддатнинг танлашига муайян асослар бор: **Биринчидан**, декабрь — йилнинг яқунловчи ойи бўлганига учун сайловчиларнинг ақсарият қисми анчайин хотиржам бўлади, негаки, йиллик режаларнинг асосий вақиллари бажарилган, ниҳоясига етган бўлади. **Иккинчидан**, яқшанба кунини сайловчилар

дировлар иштирокида вилоят Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига нисбатан ҳақиқатда бекор қилинган ақсариятнинг олди-сотиди шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги давво ариза кўриб чиқилди ва тубандагича қарор қилинди:

Давво қисман қаноатлантирилсин. «2-сон шағал саралаш заводи» очик турдаги ақсариятлик жамиятининг ҳар бир донаси номинал қиймати 1000 сўндан бўлган 3333 дона ақсариясини 5 миллион 319 миң 868 сўмга «Хамал» хусусий фирмасига сотиш тўғрисидаги «Тошкент» республика фонд биржасидан 2004 йил 12 февралда 16485 ва 16487-сонлар билан қайд этилган битимлар ҳақиқий эмас, деб топилсин.

Даввонинг 2-сон шағал саралаш заводи» очик турдаги ақсариятлик жамияти ҳар бир донасининг номинал қиймати 1000 сўндан бўлган 1112 дона ақсариясини 1774885,44 сўмга фуқаро Раҳмонов Фарҳодга сотиш тўғрисидаги «Тошкент» республика фонд биржасидан 2004 йил 12 февралда 16486-сон билан қайд этилган битимни ҳақиқий эмас, деб топилсин.

Ростини айтганда, бунда ҳар икки томон — даввогар ҳам, жавобгар ҳам тенг «жазоланди». Шундан сўнг «Хамал» хусусий фирмаси мутасаддилари Сурхондарё вилояти ҳўжалик судига апелляция тартибда шикоят киритдилар.

Журналист текшируви

АКЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНГАН... АММО СОТИЛГАН...?!

Бу масалада Республика фонд биржасидан ақсия сотиб олган ақсариядор айбдорми? Ёки Сурхондарё вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармасини? Эҳтимол, вилоят Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази айбдордир? Балки «2-сон шағал саралаш заводи» масъулияти чекланган жамият раҳбарларидир

...Барча оворая-сарсонгарчиликлар шу йилнинг қирчиллама қишида бошланди. Денов туманида фаолият юритаётган «Хамал» хусусий фирмаси мутасаддилари ҳамда фуқаро Фарҳод Раҳмонов яхши ният билан бир ишга қўл урди: 2004 йил 12 февралда «Тошкент» республика фонд биржасидан Сароисий туманидаги «2-сон шағал саралаш заводи» очик турдаги ақсариятлик жамияти ақсарият пакетининг 25 фоиз давлат улуси ҳамда эркин савдодаги 15 фоизини (номинал қиймати 1000 сўндан бўлган 4445 дона ақсариясини 7 миллион 591 миң 386 сўмга) сотиб олишди. Бу ҳақда 16485, 16486, 16487 рақамли битимлар ҳам имзоланди. Савдолар баённомасидан кўричалар ва ақсарияларга эгаллик ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар берилди. Хуллас, ҳаммаси қондалди бўлганди.

Аммо, ақсариядорлар Сурхондарёга қайтган. Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси мутасаддилари уларга сотиб олган ақсариялар бир тийинга қимматлигини айтишди. Чунки, «2-сон шағал саралаш заводи» ақсариятлик жамияти алақачон, аниқроғи, 2003 йилнинг 31 декабрида масъулияти чекланган жамиятга айланган экан. Унинг аввалги ақсариялари эса Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2003 йил 31 декабридаги 01 — 02/1005 қарори билан бекор қилинган экан.

Шундай қилиб ақсарият ва гаройиб «воқеалар» бошланди.

Қизик, ақсия Республика фонд биржасида сотилса-ю, ҳақиқий ҳисобланмасми?...

Шу йилнинг 1 апрелида Сурхондарё вилоят ҳўжалик судига вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ҳудудий бошқармаси бошлиғи вақиллик бажарувчи Улуғбек Мухиддинов давво ариза билан муносабат қилди. Унда баён этилишича, вилоят Қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази 2003 йил 31 декабрида 01 — 01/1005 қарори билан «2-сон шағал саралаш заводи»нинг 2000 йил 18 майдаги 0086-сонли рақам билан рўйхатга олинган эмиссия рисоласига асосан чиқарилган 11 миң 112 дона ақсариясини бекор қилган. Бирок, ушбу ақсариялар ўз вақтида республика Қимматли қозғалар марказига ҳисобдан чиқариш учун етказилмаган. Натижада, 2004 йилнинг 12 февралда 4445 дона ақсия Республика фонд биржасида 288-брокерлик идораси орқали 16485, 16486, 16487 шартномалар асосида қайтадан сотиб юборилган.

... 2004 йилнинг 31 май кунини Сурхондарё вилоят ҳўжалик суди судьяси Б.Тангиров раислигида даввогар — «2-сон шағал саралаш заводи» масъулияти чекланган жамият, вилоят Давлат мулк бошқармаси, жавобгар — Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг вилоят ҳудудий бошқармаси вақиллари, «Давинком» давлат инвестиция фирмаси бошқармаси бошлиғи Д.Эсонов, «Хамал» хусусий фирмаси бошлиғи мовини О.Раҳмонов, адвокат К.К.

дировлар иштирокида вилоят Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига нисбатан ҳақиқатда бекор қилинган ақсариятнинг олди-сотиди шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги давво ариза кўриб чиқилди ва тубандагича қарор қилинди:

Давво қисман қаноатлантирилсин. «2-сон шағал саралаш заводи» очик турдаги ақсариятлик жамиятининг ҳар бир донаси номинал қиймати 1000 сўндан бўлган 3333 дона ақсариясини 5 миллион 319 миң 868 сўмга «Хамал» хусусий фирмасига сотиш тўғрисидаги «Тошкент» республика фонд биржасидан 2004 йил 12 февралда 16486-сон билан қайд этилган битимни ҳақиқий эмас, деб топилсин.

Ростини айтганда, бунда ҳар икки томон — даввогар ҳам, жавобгар ҳам тенг «жазоланди». Шундан сўнг «Хамал» хусусий фирмаси мутасаддилари Сурхондарё вилояти ҳўжалик судига апелляция тартибда шикоят киритдилар.

Иқтисод ва ислоҳот

Мустиқликка эришгандан сўнг Ўзбекистон олдида гоёт мураккаб вазифа — бозор шароитида ҳўжалик юртишнинг тамомила янги ҳўқўй базасини яратиш кўндаланг бўлди. Жумладан, солиқ қўнчилигини ишлаб чиқариш вазифасини алоҳида эътибор талаб қилди ва нисбатан қисқа вақт ичида унинг яхлит тизими амалга киритилди. Унга бошқаруving Президентлик шакли, ҳўқўмининг қўнун чиқарув, ижро ва суд тармоқлари ўзаро чамбар-час ҳамкорлигининг Конституциявий тамойиллари асос қилиб олинди. Пировадда, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва солиқ хизмати тўғрисида Қўнун қабул қилинди.

ри тўғрисидаги 280-сонли қарорлари ижроси тўла таъминланмоқда. Масалан, инспекцияимиз томонидан бу борада 83 та қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Улардан 64 таси ҳўқўй, 19 таси жисмоний шахсларга нисбатан бўлди. Натижанда 61 та ҳўқўй ва 18 нафар жисмоний шахс 59287,0 минг сўмлик савдо тўшимини назорат касса машинасига урмаганлиги ҳамда банк муассасасига топширмаганлиги аниқланди. Шунингдек, дўкўндаги товарлар бухгалтерияга оид кирим ҳўжатлари билан расмийлаштирилмаганлиги фош этилди. Айбдорларга молиявий жарималар қўлланилиб, текшириш материалларининг 19 таси прокуратурага ўтказилди. Биргина мисол: Қизилтепа



ФРАНЦИЯДА ДАВОЛАНАДИ

Фаластин мухторияти етакчиси Ёсир Арафот даволаниш учун Францияга йўл олди. Франция президенти вакиллари унинг учун Париж касалхоналаридан бирида жой тайёрлаб қўйилганини айтишди. Ёсир Арафотнинг соғлиги бирдан ёмонлашганлиги сабабли оғир ахволда. Хозирча унга аниқ ташхис қўйилмаган.

САЙЛОВЛАР ТАН ОЛИНМАДИ

Аввал хабар берилганидек, Абхазияда бўлиб ўтган сайловлар натижаси ҳали ҳам ноаниқлигича қолмоқда. Тан олинмаган Абхазия Республикасининг Олий суди президентликка номзод бўлган Рауль Хаджимбаининг мамлакатда ўтказилган президентлик сайлови мобайнида «сайлов қўнчилигининг бузилиши» борасидаги даъвосини қондирди. Суд 3 октябрь куни ўтказилган сайлов натижасини республика ҳудудида қўнча эга эмаслиги ҳақида ҳўкми чиқарди. Суд Абхазиянинг Марказий сайлов комиссиясига икки ой мобайнида янги сайлов ўтказиш мажбуриятини юкледи.

ХОРИЖЛИКЛАР ЎГИРЛАНГАН



Афғонистон пойтахти Кобулда уч нафар хорижий хизматчи номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилди. Афғонистон ташқи ишлар вазирининг берган маълумотида кўра, ўғирлаб кетилган шахслар Буюк Британия, Филиппин ороллари, Сербия ва Черногория фуқаролари бўлган. Уларнинг ҳаммаси мамлакатда 9 октябрда ўтказилган президентлик сайловини назорат қилиш учун тузилган комиссияда фаолият юритган. Ассошиэйтед пресс мухбирининг хабар беришича, гаровга олинганларнинг ҳаммаси аёллар.

ЖУРНАЛИСТЛАР НОРОЗИ

Украинадаги (ТСН) «1+1» телеканалнинг етти нафар етакчи журналисти цензурага қарши норозилик билдириб, ишдан бўшадилар.

Улар ўз аризаларида бундай шароитда профессионал бурчларини бажариб бўлмастиклари, Украина президентлигига сайлов кампанияси тўғрисида жаҳиятга ҳаққоний маълумотларни еткази олмастикларини билдиришган.

Бундан ташқари бешта телеканалнинг қирқча яқин журналисти уларга кўрсатилган босим тўхтатилишини, сайловларни объектив ёритиш зарурлигини талаб қилишган.

ТАДҚИҚОТЧИЛАР ФИКРИ

Мэрилэнд штатида жойлашган Жон Хопкинс университети мутахассислари ўтказган тадқиқотга кўра, Ироқда ҳарбий харақатлар бошланганидан буён 100 мингдан ортиқ фуқаро ҳаётдан қўн юмган. Шу лойтга Ироқда бир минг бир юз нафардан зиёд АҚШ ҳарбийлари ҳалок бўлган.

КЕМАЛАР ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

Льюис ороли ва Шотландиянинг ғарбий қирғоғидаги Норт-Минч бўғозида Норвегияга тегишли «Утштейн» ҳарбий сувоисти кемаси ва шу мамлакатнинг ўзига рўйхатда олинган «Кильштраум» танкери тўқнашиб кетди. Буюк Британия Мудофаа вазирлиги хабар кери тўртиб ўтган.

СОЛИҚ — БЮДЖЕТ БАРҚАРОРЛИГИ

У аҳолининг ижтимоий масалаларини ҳал этиш билан бирга ишлаб чиқариш тараққийетини муттасил рағбатлантириб ҳам боради



Уларда солиқ хизмати ходимлари ўзларига қўн ҳўжатларда юқланган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун солиқларнинг моҳияти, тамойили, тизими ҳамда шарт-шароитларини пухта эгаллаган бўлишлари зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу нўқати назардан айтиш мумкинки, Навоий шаҳар Давлат Солиқ инспекцияси ходимлари ўз зиммаларидаги бу масъулиятни бекаму қўст бажаришга астойдил харақат қилишяпти. Солиқ хизмати ходимлари билан солиқ тўловчилар ўртасидаги ўзаро самимий ва ўзаро манфаатли муносабатлар тўла ва тушув речалари ижросида катта аҳамият касб этмоқда: ҳўжалик юртивчи субъектлар сони кўпайиб, солиқ базаси кенгайиб борапти. Узоқча бормайлик: шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида хар хил мулкчилик шаклидаги 2292 та қорхона рўйхат-

қўра қорхона ва ташкилотлардан 562,5 миллион сўмлик дебиторлик қарзлари тўғрисидаги солиштирма далолатномалар олинди, бюджет тўловларини ундириш мақсадида 123 та тўлов талабномаси қўйилди ва 342,3 миллион сўм ундирилди. Боқиманда суммаларни вақтида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ўндириш мақсадида валюта ҳисоб рақамига эга бўлган ташкилотларга ҳам 7 марта 2372,3 миллион сўмлик талабнома қўйилди, 455,6 миллион сўм маблағ ундириб олинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 264-сонли ҳамда 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирла-

Ўқинг, кўзюк!

«КЎХИНУР» — ОЛМОСНИНГ ШОҲИ

«Олмос» сўзи арабчадан олинган бўлиб, энг каттик деган маънони англатади, грекчада эса «қайсар», «бўйсўнмас» деган мазмунни билдиради. Олмос бир вивоятда «шарк тоши» деб ҳам юртилади. Чўнки шарқ, хўсусан, Ҳиндистон қадим замонлардан дунё бозорини гавҳар (бриллиант) билан таъминлаб турган. Дунёдаги энг катта олмос 1905 йили Жанубий Африкада топилган бўлиб, «Кулинан» номи билан юртилади, у 3025,75 карат оғирликка эга. Трансвааль ҳўкумати бу олмосни кон эгасидан 150 минг фунт стерлингга сотиб олган ва уни 1907 йили Англия қироли Эдуард VIII га тўғфа этган.

Энг машур олмос қондари хозирги кўнда Ҳиндистон (Панжоб), Африка, Жанубий Австралия, Бразилия, ва Россияда жойлашган. Айни пайтда олмос фақат зебу-зийнат, безақ буюмига эмас, балки илмий техника тараққийетида муҳим ўрин эгалловчи хомашё ҳамдир. Шўниси қизиқки, дунё бўйича жаҳон бозоридаги қимматбаҳо зарғарлик олмосларининг 2-6 фоизини Заир, 50-55 фоизини эса Жанубий Африка Республикаси етказиб беради.

Энди тарихда номи машур бўлган «Кўхинур» олмоси ҳақида тўхталадиган бўлсак, аввало шўни айтиш лозимки, «Кўхинур» қардан топилганлиги, унинг асл эгаси ким экани шў чўқча фанга маълум эмас. Нақл қилишларича, 1306 йили уни Дехли султони Оловуддин Кили ҳарбий юртиларидан бирида қўн киритган. 1526 йилда эса Захриддин Мўхаммад Бобур Ҳиндистонни забт эт-

ганида, бошқа ўлжалар қатори ўша машур олмосни ҳам қўлга киритади. Кейин олмос Бобурнинг ўғли Ҳўмоюнга мерос бўлиб ўтган. Орадан йиллар ўтиб, тож-тахт курашларида енгилган шўх Ҳўмоюн Эронга қочади. У қимматбаҳо олмосни ҳам ўзи билан олиб кетади ва мўҳмондўстлиги ҳамда кўрсатган ёрдами учун миннатдорчилик тарзида Эрон шўхига соғва қилади. Лекин «Кўхинур» шўх хазинасида узок вақт турмади. Эрон ҳўқўдори сарой тақдирини мулоҳаза қилиб, уни яна Ҳиндистон императорига қайтаради.

САЙЁХЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

JICA — Япония Халқаро ва Ҳамкорлик Агентлиги ўз фаолияти доирасида хўсусли ва жамоа тармоқлари ходимлари малакасини ошириш борасида бир қанча хайри ишларни бажариб келмоқда. Жумладан, Хива шаҳридаги «Бизнес ва туризмни ривожлантириш» маркази «Ўзбекистонда хўдаудий сайёхликни ривожлантириш» лойиҳаси асосида тарихий обидаларни эъбират қилиш учун келаятган хорижий сайёхларни янада кўпроқ жалб этиш йўллариин излаб топиш ва тарғибот ишларини олиб боради JICA билан ҳамкорлик муносабатларини тобора мустаҳкамламоқда.

— «Ичан-Кальа» хўдаудий сайёхликка оид маълумотлар идораси иш бошлади, — дейди япониялик Миса Шинкава. — Дунёда машур сайёхлик шаҳарларидан бири саналган Хива ўзининг тарихий обидалари билан донг таратган. Хўдаудий сайёхликни янада ривожлантириш учун эса сайёхликга хизмат қўратиш даражасини ошириш керак. Шунингдек, шаҳарда мавжуд меҳмонхоналар жаҳон стандартларига мос тарзда қайта таъмирланиб, меҳмонхоналар ходимлари ва гид-таржимонларни қайта ўқитиш бўйича семинар, тренинглар ташкил этилди.

Шўни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2005 йилнинг декабрь ойида ЮНЕСКО лойиҳаси асосида «Хоразм олтин халқаси» сайёхлик йўналишини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

2004 йилнинг 19 июлида Сурхондарё вилоят ҳўжалик судининг апелляция судлов хайъатида М.Алпаназаров раислигида Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексининг 95, 157, 164, 166, 168, 169, 171-моддалари қўлланилиб, қарор қилинди:

Давьогарнинг апелляция шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Сурхондарё вилоят ҳўжалик судининг 19 — 0409 — 1330-сонли ҳўжалик иши бўйича 2004 йил 31 майда қабул қилган ҳал қилув қарори бекор қилинсин.

Янги қарор қабул қилинсин.

Давьогарнинг даъвосини қаноатлантириш рад этилсин...

Шўндай қилиб вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш хўдаудий бошқармасининг даъволари рад этилди.

— Тоқайгача айбисиз айбдор бўлиб юрамиз — дейди Фарҳод Раҳмонов. — 8 ойдири, оворгарчилик. Турли идораларга бош сукаверий чарчадик. Гоҳ суд, гоҳ Терғиз Тўшкентга катнашдан беэиб қолдим... Қўлғиликни қирғин чегра қўлиб, жаборини биз тортаемиз...

— Бу ерда биз билган ва билмаган қандайдир «ўйинлар» бўлиб ўтди, — дейди «2-сон шағал саралаш заводи» масъулияти чекланган жамяит раиси Незмат Сангинов. — Унинг бошида қимлардир тургани аниқ... Мана, Ўзбекистон Рес-

публикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Қўмитали қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори М.Юнусматовдан келган хатни ўқинг:

«...Марказ Сурхондарё вилояти Сарисоё туманидаги собиқ «2-сон шағал саралаш заводи» масъулияти чекланган жамяити томонидан 2004 йил 17 февралдаги 02 — 656 — рақам билан келган хатни ўрганиб чиқиб, қўйидагиларни маълум қилди:

«...Қўмитали қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2003 йил 31 декабрдаги 01 — 01/1005-сонли қарори билан «2-сон шағал саралаш заводи» МҲЖнинг 2000 йил 18 майдаги 0086-сонли рақами билан рўйхатга олинган эмиссия ривосиласига асосан чиқарилган 11 минг 112 дона акциялар бекор қилинган.

Юқоридаги жамяитнинг акциялари бекор қилингандан сўнг, ҳўжатлар бошқарма ходими Ф.Атақўлов томонидан марказга келадиган ишончли одамлар бўлмаганлиги сабабли 24 январгача Марказнинг Сурхондарё вилояти бошқармасида сақланган. Кейин бошқарма ходими Д.Сунонов «2-сон шағал саралаш заводи» очик акциядорлик жамяитига оид ва бошқа ҳўжатларни марказнинг рўйхатга олиш ва муомаладан чиқариш бошқармаси ходимига топшириб, унинг олганлиги тўғрисида имзо қўйдирилган олмаган. Натижанда ушбу жамяит акциялар харақатини

тўхтатиш тўғрисидаги марказнинг Сурхондарё вилояти бошқармаси қарорининг нўсхаси алоҳида шахс томонидан Марказий депозитарийга 2004 йил 18 февралда топширилган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 10 декабрда 846-сон билан рўйхатдан ўтган «Ваколатли давлат органининг марказий депозитарийи билан ўзаро ҳамкорлик» тартибининг 4.4 - 4.7 — бандлари талаблари бузилган.

Марказий депозитарий «2-сон шағал саралаш заводи» жамяитининг акциялар харақатини тўхтатмаганлиги сабабли 2004 йил 12 февраль куни Республика фонд биржасида 288-сонли брокерлик идораси томонидан собиқ «2-сон шағал саралаш заводи» хўссадорлик жамяитининг бекор қилинган 4445 дона акцияси 16485, 16486, 16487 — шартномалар асосида сотиб олинган.

Марказ ушбу масалани атрафлида ўрганиб чиқиб, юқорида эъзилганларга асосан «2-сон шағал саралаш заводи» хўссадорлик жамяити амалда бекор қилинган акциялар ноқонуний соқтилган, деб хўбсайлади ва 4445 дона акциянинг олди-сотди шартномаларини бекор қилиш чораларини қўришни топширди...

Ушбу хатдан ҳам кўриниб туридики, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш хўдаудий бошқармаси ҳамда Қўмитали қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази вилоят бошқармаси мутасаддилари вақтида чора-тадбир қўрмаганлар. Қолаверса,

мутасаддилар акциялар сотилгандан кейингина харақатга келишган. Демак, асл айбдорлар шўлар эмасмикан?

Шў ўринда яна бир гап: вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш хўдаудий бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Улугбек Мўхиддиновнинг 2003 йил 30 декабрдаги 642-буйруғи билан «2-сон шағал саралаш заводи» акциядорлик жамяити масъулияти чекланган жамяитга айлантирилган. Эртаси 31 декабрь куни эса вилоят Қўмитали қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази акциялари бекор қилиш ҳақида 01-02/1005-сонли қарор чиқарган. Шў кўннинг ўзюдаёқ Сарисоё тумани хўқимлиги қўшидаги тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияси 36 сонли қарор билан «2-сон шағал саралаш заводи» масъулияти чекланган жамяит сифатида рўйхатга олган.

«Коса тағида нимкоса» деганларидек, бу ерда бизни ҳам бир муаммо бироз қийнади. Харчанд уримайлик, ечим йўқдек кўринди... Лекин уйлаб кўринг: 2 кўн давомида шўндай «улкан» юмушларни «уддалаган» мутасаддилар наҳотки, Марказ — Тўшкентга боришга ишончли одам топишолмай кечиккан бўлишса?! Бу ишонч қийин билан уйдирма эмасми? Яна ким билади дейсиз...?

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Истиқлол бадиалари

Мухтарам Президентимиз айтганларидек: «Қачонки ўлкамизга жануб тарафдан ёв ҳамла қилган бўлса, Термиз унинг қаршида метиҳдек қўрғон бўлиб келган. Термиз бугун ҳам она юртимизнинг жанубий сарҳадларида мустақкам қалъа бўлиб турибди. Мана шу чегара ҳудудларида кўксини қалқон қилиб табиатан оғир-вазмин, аммо Ватан бошига синов тушса, жон фидо этишга ҳам тайёр ориятли халқ яшайди. Бу доворак ва ўқтам халқинг — Сурхон аҳлининг қаршида Алломши каби пахлавонлардан мерос қолган шиждат яшайди».

Дарҳақиқат, Термиз фақат савдо қарвонларини қабул қилишга қолмасдан, балки она диёримизга кўз олайтирган душман қўшинларига биринчи бўлиб қаршилиқ кўрсатган матонатли қалъа-шаҳар ҳисобланган. Шунинг учун ҳам у пайдо бўлганидан бери бир неча бор вайрон бўлиб, яна қад ростлаган. У қадим Бактрия, Кушон давлатларининг марказий шахрига айланган. Термиз ҳозирги кунда ҳам қадим аънасанасига эришиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг жанубдаги ишончли кўприк шахри ҳисобланади.

Шўролар замонида ёпиқ шаҳар ҳисобланган Термиз бугунги кунда шарқ гарбдан, шимолу жанубдан меҳмонларни қаршилайди, бу ерда мустақиллик йилларида халқаро микёсда ўтказилган қатор анжуманлар бунинг ёрқин далилидир. Хусусан, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, «Алломши» дostonининг 1000 йиллиги, кураш бўйича ўтказилган мусобақалар, халқ оғзаки ижоди, халқаро фольклор-этнографик фестиваллар бунинг мисолларидир.

Мустақиллик шарофати билан Сурхондарё вилоятида ўнлаб янги мактаб, лицей, коллеж бинолари бунёд этилди. Уларда истиқлолнинг навқирон авлоди таълим олмақда. Ватанимизга, хур халқимизга муносиб фарзанд бўлиб етишмоқда. Ёшларимиз орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Нихол» мукофоти соҳиблари борлиги бизни қувонтиради. Сурхондарёлик полковларнинг дони дунёга дoston бўлмоқда. Алломши авлодлари халқаро мусобақаларда голлибл шоҳасига чиқиб, озода Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга мияссар бўлмоқдалар.

Айтиш мумкинки, Сурхон воҳасидаги осори-атикалар, тарихий обидалар, аънава ва удумлар халқимиз бой меросининг энг нафис ганжинларидан ҳисобланади. Бир вақтлар бу воҳадаги Тешиктош горидан энг қадимий одам суякларни топишган бўлса, кейинчалик буд-

да ибодатхоналарининг тадқиқ этилиши археология фанида янглик бўлди. Бу ерда динлар, маданиятлар юзма-юз келишган. Шунинг учун ҳам Термизда мустақиллик йилларида республика Археология музейининг барпо қилиниши жуда муҳим иш бўлди.

Шу ўринда машҳур араб сайёҳи Ибн Баттуанининг (XVI аср) Термиз шаҳри ҳақидаги битикларига эътибор қаратайлик: «Биз Самарқанддан чиқиб, Насаф шаҳридан ўтиб, Термиз шаҳрига етиб келдик. Бу — чиройли иморатлари ва бозорлари кўп бўлган йирик шаҳардир, уни бошдан-оёқ анҳорлар кесиб ўтади. Айниқса, узум билан беҳиш жуда ширин, гўш, сўт жуда сероб».

Дунёдаги қўлаб мамлакатларни айтаётган чўққан бу сайёҳ Термизда алло-

қатор алломалар томонидан шарҳлар ёзилган. Истиқлол йиллари икки буюк ҳадисшуноснинг юбилей тантаналари мамлакатимизда кенг нишонланди, ҳаёти ва фаолияти, асарлари тарғиб қилинди. Булар, албатта, мустақиллик туйғулдир.

Бу йил мамлакатимизда таваллудининг 600 йиллиги нишонланган Хожа Аҳрор Валининг пири муридиди Яқуб Чархий (вафоти 1447 йил) асосий фаолиятини Сурхон воҳасининг Чағонёнидида ўтказган ва шу ерда нақшбандия таълимоти-ни халқ орасида кенг тарғиб қилган. Афғонистондаги Фазна шаҳри яқинидаги Чарх қишлоғида тутилган Яқуб Чархий кейинчалик Бухорога келиб Баҳоуддин Нақшбанддан тасавуф таълимотида сабоқ олган. У устозининг «Мендан нимаики сента етган бўлса, бошқаларга етказ» деган насихатига амал қилиб, Чағонён-да халқ орасида юриб, Хулғутавда умргузаронлик қилган.

ишора, деган тахминларни тасдиқлайди. Унинг энг машҳур асари «Дастур ул-мулк» («Подшоҳларга қўлланма») бўлиб, у бадиийлик билан йўрилган тарихий асардир.

Термиз азалдан донишмандлар, алломалар, меъморлар, шоиру адиблар ватани сифатида шўхрат қозонган. Айниқса, XV асргача Термизнинг диний мавқеи жуда баланд бўлган. Ҳаким Термизий, Исо Термизий, Собир Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Ҳомид Термизий, Юсуф Ҳайёт Термизий, Мансур Термизий, Музаффар Термизий, Ҳусайн Термизий, Абдуллоҳ Термизий сингари азат зотлар Термиз доғруғини оламга таратганлар. Шонибез Сафаровнинг «Термиз ва термизийлар» китоби узоқ йиллик машаққатли меҳнатнинг таҳсинга сазовор самарасидир.

Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган Термиз қалъаси ҳақида жуда кўп тарих-

ларни, бу ёрнинг бетакрор удумларига қизиқувчи сайёҳларни ўзига оҳанграб-дек жалб этиб келмоқда.

Сурхон воҳаси ўзининг мафтункор табиати билан ҳам машҳур. У Амударё ва Термиз ўртасидаги Пайгамбар оролидаги қўриқхонада бошқа жойларда учрамай-диган усимлик ва дараклардан тортиб, ҳайвонот дунёси билан ҳам алоҳида аж-ралиб туради. Бу ўзига хослик ипак пахтаю олтин донидан тортиб, жануб қўёши-да етилган шарбат меваларда, узум хур-моларда, Боботоғ ёнқоқларида, Дашно-бод анорлариди, халқ бахшиларининг дўмбира созлари, Бойсун қўшиқларида, энг асосийси, Алломши авлодлари бўлган ўғил-қизларининг чамқоқ қўзлари-да, нури тақдирларида яққол кўзга таш-ланади.

Бу ўзига хослики сурхондарёлик истеъдодли ижодкорлар тарангун қилмоқ-далар. Рассом Рўзи Чори асарлари ду-нённи кезган бўлса, шоир Теша Сайдали ўтган асрнинг 60-йилларида шеърятимизга ўзига хос тоза бир нафас, инсо-ний туйғуларни қўлаб кириб келди. То-ғай Мурод давр қишларини қийнаётган муаммоларга дадиллик билан қўл урди.

Шўқур Холмирзаев — ўшаши йўқ адиб, у инсон руҳий олами манзараларини оҳори бўёқларда акс эттириб келётган бўлса, Эркин Аъзам эса ўз насири билан алоҳида акралиб туради. Қодир Баҳши оҳанглири ҳамон қўлигимиздан кетмаган. Менгизё Сафаров Сурхон дашу далалари-ни, қўлу ўрмонларини, тоғларини ўзига хос пардаларда қўлабди. Усмон Азимнинг жўшқин шеърлари, дostonу драмалари диққатта молик, уларда самимий оҳанг билан кўтаринки публицистик руҳ уй-ғунлашиб кетган. Сирожиддин Сайид-нинг табиий, ҳиссиётли, ўйнан шеърятини китобхон эътиборини қозонди. Шафоат Раҳматулла шеърларидаги мушқийлик ки-шини мафтун қилди, Мирзо Кенжабекда фикрий, алоҳий лирикага мойиллик куч-ли. Нодир Норматов ва Қўчқор Норқобил ижодида ўзига хос назокатни, чиройни, фалсафий ўйналикни, фикрий мушоҳа-дани кўради. Эшқобил Шўқур халқ оғза-ки ижоди блокларидан баҳраманд бўлса, Салим Ашур ва Абду Парда, Болта Ериев, Нарзулла Суфиевлар устозлар аънаси-син давом эттириб, жўшқин ва эфирас би-лан ўз юрти гўзаллигини қўлабди.

Сурхонлик қалам аҳли ижодининг бош томири, уларни бирлаштириб турган нар-са — бу ўз она ери Сурхондарёга бўлган чекиз муҳаббати туйғусидир.

Термизийларнинг маърифатли ворис-лари, Алломшининг баҳодир авлодлари ватани бўлиши Сурхондарё табаррук ва азиз зотлари билан жаҳон аҳлининг эъти-борини қозонган ажайиб диёрдир ва шундай бўлиб қолгай!

Борат БОЙҚОБИЛОВ, Ўзбекистон халқ шоири

Анжуман КҮН ТАРТИБИДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, педиатрия илмий текшириш институти Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида «Мактаб ёшидаги болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу семинарда умумтаълим мактабларидаги гигиеник ҳолат, ўқувчиларга қўрсатилаётган тиббий ёрдам ва уни тақомиллаштириш йўллари, мактабларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш ҳамда ўқувчиларни рационал овқатлантириш масалалари ҳақида маърузалар тингланди.

Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда республикаимиз аҳолисининг 38,8 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Ҳар йили мунтазам ўтказиб туриладиган тиббий курикларнинг натижасига қўра, бунинг ёшида болаларнинг кўнчилигида асосан нафас олиш, овқат ҳазм қилиш органлари, қон айланиш тизими ва йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликлар учраб туриши аниқланган.

Анжуманда болаларни соғломлаштириш борасида ижобий тажрибалар ўртага ташланди. Кузатишларга қараганда, сўнгги йилларда мактаб ёшидаги болаларнинг соғлиги динамикаси сезиларли даражада ўсган. Аммо республикаимизнинг чекка ҳудудларидаги аксарият мактабларда ҳамон тиббиёт хоналари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур шароит яратилмаган. Шу боис, бу каби муаммоларнинг олдини олиш учун тегишли ташкилотларнинг масъулигини ошириш лозим. Айниқса, маҳаллий ҳокимликлар, таълим муассасалари ва ота-оналар ҳамжиҳатлигида иш олиб боришлари керак.

Анжуман доирасида бир неча компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган дори-дармон воситаларининг тақдими ҳам ўтказилди.

Мазмуржон МАХМУД

ТЕРМИЗ ТАВХИДЛАРИ

Термиз қадим-қадимдан она юртимизнинг жанубдаги ишончли дарвозаси саналган. Бу ердан Афғонистон Эрон, Ҳиндистон Хитой, Рим томонларга қарвонлар йўл олган. У юртлардан келган қарвонлар ҳам худди ана шу шаҳарда тўхтаб, кейин Самарқанду Бухоро, Хоразму Туркистан, Шошу Фарғона сари тарқалган.

маларни, бошқалардан ажралиб турувчи халқ удумларини ҳайрат билан эътироф этади.

Тарихчиларнинг таъкидлашича, «Термизий» насабини олган олти юзга яқин улуг зотлар ўтган экан. Улар орасида энг буюк ҳадисшунос алломо — Имом ал-Хаммад ат-Термизийдир (824-892). У ҳозирги Шеробод туманидаги Буг қишлоғида туғилиб, шу ерда дафн қилинган. Ат-Термизий дастлабки таълимни Термизда олиб, Хурросон, Ироқ мадрасаларида таҳсил қўрган, Макка ва Мадинада умргузаронлик қилган, Муҳаммад пайгамбаримиз ҳадисларини тўплаган. Қизиги шундаки, юртимиздан чиққан икки тарихчи, Сурхондарёлик полковларнинг дони дунёга дoston бўлмоқда. Алломши авлодлари халқаро мусобақаларда голлибл шоҳасига чиқиб, озода Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга мияссар бўлмоқдалар.

Исо ат-Термизийнинг ҳадислар тўплами «Ал-җомий» ва «Ал-шамоид ан-набавий» («Пайгамбарларнинг алоҳида фазилятлари») асарлари бутун ислом оламида жуда машҳур, уларга кейинчалик

Термизийлардан яна бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Хасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий ҳам тарихда ўзига хос из қолдирган. Ул зоти шариф VIII асрнинг ўрталарида таваллуд тоилган, деган тахминлар бор. Буюк алломо яздан ортиқ асар ёзган. Унинг «Раҳматуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар» «Ибодат ҳақиқати тўғрисида китоб», «Нафс одоби», «Ҳаж ва унинг сирлари» сингари бир қанча асарлари бизгача етиб келган.

Соҳибқирон Амир Темуриюршиларида Термиз шаҳрининг ҳам ўз юрти бор. У Амир Ҳусайн устидан галаба қозониб, салтанатни қўлга киритишда ҳам бу шаҳарнинг аҳамияти катта. Соҳибқирон Балх Бухорий ва Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий илк бор Нишопур шаҳрида бири-бири билан рубару келишган. Имом ал-Бухорий Нишопур мадрасаларида беш йил (863-868) мударрислик қилган, ана шу учрашув уларни бир умрлик дўст қилган, устозу шогирд бўлиб қолишган.

Буюк Термизийларнинг яна бири Хожа Самандар Термизийдир (XVII аср). Хожа Самандар асосий билимини Бухорода олиб, кўп йиллар Насаф шаҳрида қозил-лик қилган. Замондошлари унинг «саманвий» насабини беқора олмаганилигини айтишади. Бу унинг олов ичида туғилиб, ўт-олови даврда ҳаёт кенгайишига


чилар, шоиру алломалар ўз асарларида бағаторлиқ ёзиб қолдирган. Шарқу Фарб-ни тўташтирувчи Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Термиз бандар-гоҳидан қарвонлар Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларига ана шу ердан тарқа-ган бўлса, юклар Амударё бўйлаб сув йўли орқали дарёнинг қуйи оқимидида қадим Хоразмга, сўнгра дарё ўзани бўйлаб Каспий денгизигача етказилган.

Тарихчи Ҳафиз Абрунинг ёзишича, қадимги Термиз юнон истилосини Ис-кандар Зулқарнайн томонидан бунёд эти-либ, юнонлар уни «Тарамаста» (нариги соҳилидаги шаҳар) деб аташган. Чингиз-хон эса ушбу шаҳарни бутунлай вайрон қилган. Шарофиддин Али Яздийнинг ёзи-шича, Термиз мугул истилосичарига мар-донавор қаршилиқ кўрсатган, шунинг учун ҳам бу шаҳар «Мадинат ур-рижол», яъни мардлар шаҳри деган номга сазовор бўлган.

Айни замонда истиқлол нуридан баҳраманд шаҳарнинг мавқеи анда ор-томқда. Айниқса, бу йилларда Сурхонда-рда сановат ва қишлоқ ҳўжалигида кес-кин бурилишлар юз берди. Термиз мам-лакатимизнинг жанубий сарҳадидида гўзал шаҳар сифатида хоржий меҳмон-

Интер-спорт

РИНГДА ЭМАС, САҲНАДА



Ярим ва ўта оғир ваз-ли америкалик жаҳон экс-чемпиони Рой Жонс мухлисларини ҳайратга солди. У «Body Head Bangrez Volume1» деб номланувчи хип-хоп усу-лида ёзилган янги му-сика альбомини савдо-га чиқарди. Бу моҳир боксчининг кейинги ўн йиллик-да тайёрлаган видеолипи бўлиб, мухлисларда қизи-қиш уйғотмоқда. Жонс бу ишларни алоҳида пластин-кага машҳур овоз ёзиш фирмасида амалга оширди. Ижрочилар асосан қора танлилардан иборат. Албо-мини тайёрлашда АҚШ мусикачилари яқиндан ёрдам беришди. Жонс томошбин олдида оқ костюмда пай-до бўлиди, унинг атрофида эса қора кийимдагилар парвона бўлиб туришади. Эслатамиз, Рой ўзининг сўнгги икки учрашувидида мағлубиятга учраган. Май ой-ида Антонио Тарвер, сентябрда эса Гленкофф Жон-сондан ноқулати зарба олган. Рой ҳозирча дам олаёт-ган бўлса-да, катта бокс билан ҳайрлашмоқчи эмас.

САРФ-ХАРАЖАТЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНАДИ



Россия Федерациясининг ҳисоблаш палатаси мамлакат спортчиларининг Афина олимпия ўйинларидаги иштиро-ки учун сарф-харажатларини сарҳисоб қилишга тайёрлигини маълум қилди. Қўлга киритилган ютуқлар билан ҳисоб-лаганда Россия терма жамоаси 109 та (44 та олтин, 28 та кумуш, 27 та бронза) медалга эга бўлган. 2001-2004 йиллар мобайнида Олимпия ўйинларига тайёр-гарлик кўриш борасида жами 2 милли-ард 84 миллион рубль сарфлангани аён бўлди. Россия терма жамоасининг бе-восита олимпия ўйинларидаги иштироки учун 283 миллион рубль харж қилинган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2004 йил 29 октябрдаги қарорига асосан тугатилган корхоналар РЎЙҲАТИ

Table with columns: №, Корхона номи, СПИР, Рўйхатга олинган қарор рақами ва санаи, ХТҲТ (ОКРО), Хўжалик судининг қарори

Маъжор корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари беқор қилинади. Қредиторлар икки ой мобайнида Миробод тумани ҳокимлигининг маъсус комиссиясига мувожаат қилиш-лари мумкин.

О.ФАЙЗИБОВ, Миробод тумани ДСИ бошлиғи.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БҮЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

133-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқ ҳисобланади. Сўнгра чипта сериисининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб маъжор турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

Table with columns: 1 ТУР, 2 ТУР, 3 ТУР, 4 ТУР, 5 ТУР, 6 ТУР, 7 ТУР, 8 ТУР, 9 ТУР, 10 ТУР, 11 ТУР, 12 ТУР, 13 ТУР, 14 ТУР, 15 ТУР, 16 ТУР, 17 ТУР, 18 ТУР, 19 ТУР, 20 ТУР, 21 ТУР, 22 ТУР, 23 ТУР, 24 ТУР, 25 ТУР, 26 ТУР, 27 ТУР, 28 ТУР, 29 ТУР, 30 ТУР, 31 ТУР, 32 ТУР, 33 ТУР, 34 ТУР, 35 ТУР

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2004 йил 11 ноябрдаги 134- тиражида ўйналадиган сўпер-ютуқлар:

- 1-турда биттадан Автомагнитола
2-турда биттадан Видеомагнитофон
3-турда биттадан рангли Телевизор
4-турда 60.000.000 сўмлик ЖЕК ПОТ ўйналади

Агар чиптангиз 55 -юришда тўлса сиз 60.000.000 сўмлик миқдордаги ЖЕК ПОТ эгаси бўласиз.

- 56,57 -юришда чиптангиз тўлса «LACETTI» ҳамда 5.000.000 сўм пул,
58,59 -юришда чиптангиз тўлса «NEXIA» ҳамда 3.000.000 сўм пул,
60-61 -юришда чиптангиз тўлса «MATIZ» ҳамда 1.000.000 сўм пул,
62-64 -юришда чиптангиз тўлса 3.000.000 сўм пул ютуви эгаси бўласиз.
4- турнинг 64- юришдан сўнг 1.000.000 сўм пул ютуви.
5-7- турда биттадан рангли Телевизор

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқчи чипта ҳўрсатилаган заҳоти «Лаура» ХФ сьида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўжал: «Украинка» дўкони.Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60. Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимида ҳамда «Лаура» тарқатувчилардан олиш мумкин. ХФенда ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla Oripov
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Nobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
Abdusattor SULTONOV
Alimqul SULTONOV
Andrey ORLOV
Nomez SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Mushihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASOIQOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot
Ma'naviyat va ma'rifot
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
Parlament va huquq
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
Xatlar va ommaviy ishlar
Reklama va e'lonlar

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda
Buxoroda
Gulistonda
Jizzaxda
Navoiyda
Namanganda
Nukusda
Samarqandda
Urganchda
Farg'onada
Termizda

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOCHILAR KO'CHASI, 23-UY.

Navbatchi: Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Javlon RASULEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonani manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan no'xatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1160 7337 nusxada bosildi

t — Tizorat materiallari O'XA yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 Setuvchi erkin narxda